



ЎЗБЕКИСТОН ГЛОБАЛ ВА МИНТАҚАВИЙ АҲАМИЯТГА МОЛИК ТАШАББУСЛАРНИ БМТ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА АМАЛГА ОШИРАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерриш 30 июнь — 1 июль кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди.



Ташрифнинг асосий тадбирлари 1 июль кунини бўлиб ўтди.

Президент Шавкат Мирзиёев шу кунни Кўксарой қароргоҳида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерриш билан учрашув ўтказди.

Суҳбат аввалида БМТ Бош котиби давлатимиз раҳбарига Ўзбекистонга келиш таклифи ва кўрсатилаётган самимий қабул учун чуқур миннатдорлик билдирди.

Олий мартабали меҳмонни самимий қутлаб, давлатимиз раҳбари А.Гутерришнинг республикамизга бу гали, иккинчи ташрифи “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида амалга оширилаётган орта қайтмас ислохотлар БМТ томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганининг тасдиғи эканини таъкидлади.

Музокаралар чоғида глобал ва минтақавий тинчлик, барқарорлик ва илмий тараққиётни таъминлаш, Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари, Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишга қаратилган қўшма

лойиҳаларни амалга ошириш ҳолати муҳокама қилинди.

Ҳамкорликнинг жадал суръати ва мисли кўрилмаган юқори даражаси катта мамнуният билан қайд этилди.

140 та қўшма дастур ва лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Кейинги йилларнинг ўзига Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясининг 10 та махсус резолюцияси қабул қилинди.

Йил бошидан буён БМТ Бош котибининг бешта ўринбосари Ўзбекистонга ташриф бурди. Ўтган ойда мамлакатимиз Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши (ECOSOC) таркибига ва Халқаро кенгаши ташкилотининг Маъмурий кенгашига сайланди. Ўзбекистон вакили биринчи марта БМТ Инсон ҳуқуқлари қўмитаси аъзоси бўлди. Тошкентда БМТнинг яна бир махсус муассасаси — Қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш бўйича халқаро жамгарманинг ваколатхонаси иш бошлади.

Биргаликда глобал кун тартибига оид йирик халқаро тадбирлар, жумладан, озиқ-овқат хавфсизлиги, туризмни

ривожлантириш, камбағаллик ва иқлим ўзгаришига қарши курашиш ҳамда биохилма-хилликни муҳофаза қилиш бўйича тадбирлар ўтказилмоқда. Келгуси йилда Самарқандда ЮНЕСКОнинг 43-бош конференцияси бўлиб ўтади.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик муаммолар юзасидан ҳам фикр алмашилди. Давлатимиз раҳбари Бош котибининг халқаро хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, БМТ ва унинг асосий органларини ислоҳ қилиш ҳамда жорий йилда Нью-Йорк шаҳрида Келажак саммитини ўтказиш ташаббусларини қатъий қўллаб-қувватлашни билдирди.

Минтақадда транспорт жиҳатидан ўзаро боғлиқликни ривожлантириш, озиқ-овқат, энергетика ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди.

Афғонистонда юзага келаётган вазият муҳокама қилиниб, афғон халқига гуманитар ёрдамни кенгайтириш, жаҳон ҳамжамиятининг бу мамлакатга нисбатан

умумий стратегиясини ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Учрашув якунида 2026-2030 йилларда Ўзбекистоннинг Барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича БМТ билан ҳамкорликнинг ҳақли дастурини биргаликда ишлаб чиқиш юзасидан келишувга эришилди.

Шундан сўнг Кўксарой қароргоҳида БМТ Бош котиби Антониу Гутерришга жаҳонда ҳамжихатлик ва бирдамликни фаол илгари суриш, ташкилот фаолияти самарадорлигини ошириш, шунингдек, мамлакатимиз ва БМТ ўртасидаги ҳамкорликни мустақамлашдаги хизматлари учун Ўзбекистоннинг олий давлат мукофотларидан бири — “Олий Даражали Дўстлик” орденини тантанали топириш маросими бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари мукофотни топшираётган экан, А.Гутерришнинг Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги юксак даражага етишига қўшган шахсий ҳиссасини алоҳида эътироф этди.

Бош котиб Ўзбекистонда амалга оширилаётган глобал ва минтақавий аҳамиятга молик кенг қўламли ислохотлар ва ташаббусларни, шунингдек, БМТ институтларининг республикамиздаги фаолияти кенгайтириш ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётгани таъкидланди.

БМТ раҳбарининг халқаро хавфсизлик ва барқарорликни мустақамлаш, глобал бошқарув институтларини ислоҳ қилиш, Барқарор ривожланиш мақсадларини илгари суриш, иқлим ўзгаришига қарши курашиш, “яшил” ва рақамли тараққиёт, озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлигини таъминлаш борасидаги кўп йиллик саъй-ҳаракатлари қайд этилди.

Олий даражадаги музокаралар якунида Кўксарой қароргоҳида дарахт экиш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлида кенг қўламли ҳамкорликни янада кенгайтириш борасидаги қатъий интилишлар ифодаси сифатида Фахрий меҳмонлар хиёбонида дарахт экилди.

Шу кунни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерриш Юқори Чирчиқ туманидаги қуввати 200 мегаватт бўлган “ACWA POWER RIVERSIDE SOLAR” қўёш фотоэлектр станцияси фаолияти билан танишди.

Олий мартабали меҳмонга 2030 йилгача Ўзбекистонда яшил энергетикани

ривожлантириш стратегияси, муқобил энергия ишлаб чиқариш соҳасида қувватларни яратиш дастури ҳақида тақдимот қилинди.

Жумладан, Саудия Арабистонининг “ACWA Power” компанияси томонидан Тошкент вилоятида қиймати 400 миллион долларлик, 200 мегаватт қувватига эга бўлган лойиҳа амалга оширилди. Бунинг учун 460 гектар ер майдони ажратилган. Ҳозирги кунда 150 мегаватт электр энергияси ишлаб чиқарилмоқда. Бундан ташқари, кейинчалик Паркент туманида 500 мегаватт электр энергиясини сақлаш тизими ишга туширилади.

Мазкур саъй-ҳаракатлар натижасида 130 миллион куб метр табиий газ тежаллишига эришилди, атмосферага 180 минг тонна зарарли газлар чиқишининг олди олинади.

Асосий мақсад аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларини энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, электр энергияси ишлаб чиқаришда табиий газдан фойдаланишни камайтириш ҳамда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш қўламини кенгайтиришдир.

БМТ Бош котиби мамлакатимизда кўёш ва шамол энергетикасини ривожлантириш учун улкан салоҳият мавжудлигини айтиб ўтди. Бу борада амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар иқлим ўзгаришига қарши курашиш соҳасидаги мақсад ва вазифаларга эришишга хизмат қилиши таъкидланди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерриш Олий Мажлис Сенатига бўлди.

Ўзбекистоннинг БМТ ва унинг институтлари билан кўп қиррали ҳамкорлигини янада кенгайтириш, глобал сийosat ва минтақавий масалалар бугунги куннинг муҳим мавзуларидандир.

Учрашувда Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш билан боғлиқ, жумладан, гендер тенглигини таъминлаш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Сўнгги йилларда гендер тенгликка эришиш, хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларга тенг имкониятлар яратиш борасида Ўзбекистонда тизимли ишлар амалга оширилаётгани, бунда БМТнинг тавсиялари ҳам муҳим ўрин тутаятгани алоҳида таъкидланди.

Хусусан, парламентлараро муносабатлар кўлами, гендер тенглик, аёлларнинг таълим олиш ҳуқуқлари, глобал иқлим ўзгаришлари шароитида амалга ошириш лозим бўлган вазифаларга алоҳида тўхталиб ўтилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерриш пойтахтимизнинг Яққасарой туманидаги Дилбулоқ маҳалласида ҳам бўлди.

Маҳалла миллий қадриятлар маскани саналади. Кўплаб хайрли ишлар, эзгу ташаббуслар маҳаллаларда, халқ билан маслаҳатлашилган ҳолда амалга оширилди.

Олий мартабали меҳмонга кейинги йилларда бу тизим босқичма-босқич ривожлантирилиб, энди маҳалла масъуллари янада кенг имконият ва ваколатларга эга бўлгани ҳақида сўзлаб берилди.

Маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси ҳамда профилактика инспекторидан иборат тизимга солиқчи ва ижтимоий хизмат ходими ҳам қўшилиб, “маҳалла еттичилиги” жорий этилгани таъкидланди. Улар ўз ҳудудларида тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва ҳамжихатлигини таъминлаш, ижтимоий-ҳуқуқий химояга муҳтож қатламни қўллаб-қувватлаш каби масалаларни ҳал қилишда биргаликда фаолият олиб бориши қайд этилди.

Шу ерда маҳалла аҳли, нурунийлар билан мулоқот бўлди. Унда маҳалла ҳаёти, бу ердаги бошқарув тизими ҳақида сўз борди. Шунингдек, ҳудуддаги кичик хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш объекти фаолияти билан танишилди.

Дилбулоқда 6 минг 700 нафардан зиёд аҳоли яшайди. Маҳаллада боғча, оилавий поликлиника, спорт мактаби, савдо, санат ва хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолият юритмоқда.

Маҳалла идораси янги қурилган. Кўп қаватли уйлар йўлаги ва ички кўчалар таъмирланган. Ҳудуддан ўтувчи анҳор бўйи тартибга келтирилиб, обод сайилгоҳга айлантилган. Ишқомлар, мевали ва манзарали дарахтлар, пийдалар йўлакларини маҳаллага кўрк бағишлаб турибди.

БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш маҳалла мамлакат тараққиётида муҳим ўрин тутувчи ноёб институт эканини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистонда аҳоли турмуш шароитини янада яхшилаш учун бу тузилма имкониятларидан кенг фойдаланилаётганини юқори баҳолади.

Шу билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерришнинг мамлакатимизга расмий ташрифи якунланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Иқром АВВАЛБОВ,
ЎЗА мухбирлари

ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИгини ТАЪМИНЛАШ ҲОЛАТИ Кўриб чиқилди

Президент Шавкат Мирзиёев 1 июль кунини тармоқ ва ҳудудларда энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари бўйича ҳисобот билан танишди.

Аҳоли ўсиб, корхона ва муассасалар кўпайгани сайин энергия ресурсларига талаб ошиб бориши табиий. Мамлакатимизда шунга мутаносиб энергия манбаларини ва генерация қувватларини кўпайтириш чоралари кўрилмоқда. Шу билан бирга, бу қувватлардан оқилона фойдаланиш, энергияни тежаш ҳам жуда зарур.

Шу мақсадда иқтисодиёт тармоқларидидаги эски технологиялар энергия тежамкорига алмаштирилмоқда. Саноат корхоналарида “яшил энергия” манбалари жорий қилинмоқда. Биноларни қуришда иссиқликни сақловчи материаллардан фойдаланилмоқда. Хонадонлар ва ижтимоий муассасаларда ўрнатилган қўёш панеллари уларга қўшимча қувват бермоқда.

Жорий йил бошида ҳудудларда электр энергияси ва табиий газни тежаш бўйича мақсадли кўрсаткичлар шакллантирилган эди. У, ишлаб чиқаришга халал бермаган ҳолда, энергия истеъмолини самарали ташкил этиш орқали муайян ҳамжамларни тежашга қаратилган.

Йилнинг бошида бу борадаги ишларнинг бажарилиш ҳолати кўриб чиқилди.

Энергия истеъмолда ўғирликлар кўплиги кўрсатиб ўтилди. Масалан, бу йил 15 мингта ҳолатда табиий газ ва 28 мингта ҳолатда электрдан ўғирлик аниқланган. Бунинг сабаби — ҳозирги тизимда ноқонуний улашилларнинг олдини олиш эмас, оқибати билан курашилмапти.

Шу бонс, бундай ҳолатларга йўл қўймастик, энергия сарфини қатъий назорат қилиш, масъулларнинг жавобгарлигини ошириш зарурлиги қайд этилди.

Хорижий компаниялар билан ҳамкорликда соҳада қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда, станциялар барпо этилмоқда. Бу йил барча манбалар ҳисобидан 4 гигаваттлик электр станцияларини ишга тушириш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари соҳадаги инвестициявий лойиҳаларни, чет эллик шериклар билан эришилган келишувларни юқори даражада амалга ошириш кераклигини таъкидлади.

Шунингдек, йилнинг бошида куз-қиш мавсумига тайёрлик бўйича ҳам ахборот берилди.

Қайд этилганидек, 850 километр магистрал тармоқ ва 9 та подстанцияни таъмирлаш бўйича ишлар бошланган. Бунга қўшимча 595 километр электр тармоғи қурилиб, қатор янги подстанциялар ишга туширилди. Иссиқлик станциялари барқарор ишлаши учун зарур ёқилги, бутловчи ва эҳтиёт қисмлар захиралари шакллантирилмоқда.

Мутасаддиларга энергия ишлаб чиқаришни кўпайтириш, инфратузилмани модернизация қилиш, энергия етказиб бериш узлуқсизлигини таъминлаш юзасидан вазифалар қўйилди.

Янгича ёндашувлар

ИННОВАЦИОН Ўқув-ишлаб чиқариш ва МУҲАНДИСЛИКДА МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ

Таълим худди дарахтга ўхшайди, боғбон уни қанча меҳр билан парваришласа, шунча кўп ҳосил беради. Давлатимиз раҳбарининг таълимга ислохотларнинг ҳал қилувчи кучи сифатида қараш яқин келажакда юртимиз ривожланиши, янгида янги ихтиролар яратилишига асос бўлади, албатта. Илгари саноат дастгоҳлари, эҳтиёт қисмлари импорт қилинган бўлса, энди муҳандислик мактабларида тайёрланаётган мутахассислар томонидан ишлаб чиқарилади.

Дарвоқе, кечаги муҳандис билан бугунгиси ўртасида катта фарқ бор. Кечаги муҳандис импорт қилинган техника ва технологиялардан самарали фойдаланиш билан чекланган бўлса, ҳозиргилар бозор эҳтиёжидан келиб чиқиб, замонавий техника ва технология яратиш имкониятига эга. Шу нуқтан назардан бугун автоматлашган, рақамлашган, сунъий индирокли технологиялар яратаятган, соҳага ижодий ёндашяётган ихтирочилар ҳамда етук муҳандисларни кўпайтириш жуда-жуда зарур.

Кейинги йилларда ёшларни олий таълим билан қамраб олиш кўрсаткичи 28 фоиздан 42 фоизга етди. Мамлакатимизда муҳандислик соҳаси бўйича кадрлар тайёрловчи 33 та давлат



олийгоҳининг 106 таълим йўналишида 267 минг 119 талаба ўқимокда. Уларнинг 3240 нафари магистрлар. Муҳандислик-техник олийгоҳларнинг 760 та ўқув лабораториясида 6764 та жиҳоз мавжуд. Қўшимча 622 та ўқув лаборатория учун 5,5 мингдан ортиқ замонавий жиҳозга эҳтиёж бор. Илмий-тадқиқот лабораториялари замонавий

ускуналар билан тўлиқ жиҳозланмагани ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорлик етарли даражада йўлга қўйилмагани сабабли муҳандислик соҳасидаги олийгоҳлардаги илмий тадқиқотлар натижадорлиги пастлигича қолмоқда.

Янгича ёндашувлар

ИННОВАЦИОН ЎҚУВ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА МУҲАНДИСЛИКДА МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ОЛИЙ ТАЪЛИМДАГИ УСТУВОР ВАЗИФА



Кўнгиротбой ШАРИПОВ, олий таълим, фан ва инновациялар вазири, техника фанлари доктори, профессор

Бошланиши 1-бетда

2022-2023 ўқув йилида муҳандис-техник кадрлар тайёрлашга ихтисослашган олийгоҳларнинг 35 минг 270 битирувчисидан 14 минг 537 нафари мутахассислиги бўйича ишга жойлашган. Сабаби, улар малакавий жиҳатдан инвестицион қўшимча қиймат талабларига тўлиқ жавоб бера олмайдди. Бошқача айтганда ОТМларда ўқув-лаборатория ишлари, илмий тадқиқотларни амалга ошириш, талабалар амалиётини ташкил этишда етарли шароит яратилмагани натижасида муҳандислик соҳасига билимли ёшларнинг қизиқиши камайиб бормоқда.

2023-2024 ўқув йилида муҳандислик соҳасидаги 33 та ОТМда бакалавр кадрлар тайёрлаш бўйича 34 минг 568 та ўриндан 2789 таси, магистрлар тайёрлаш бўйича 4577 та ўриндан 3721 таси вакант қолгани ташвишланарли ҳол, албатта.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, юртимизда иқтисодиёт тармоқлари, саноат ва ишлаб чиқариш тараққиёти учун барча шароит мавжуд бўлган ҳозирги даврда уларнинг ўсишига тўққунлик қилаётган муҳим омил — сифатли кадрлар, янаам аниқроқ айтганда бўлса, ўз ишининг устаси бўлган муҳандислар, техник ходимлар, технологлар етишмаётганидир.

Ҳозир ўрта ва йирик бизнес вакиллариغا ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги қувватларни ишга тушириш учун зарон ишчи кучи эмас, балки муайян билим ва кўникмага эга мутахассислар зарур. Тор мутахассисларни хориздан жалб қилиш амалиёти ҳам айнан шу боис, бугун оддий ҳолатга айланган.

Бу борада Президентимизнинг 2024 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармонида ҳам муҳандислик соҳасида кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасалари ташкилий-бошқарув фаолиятини такомиллаштириш, илмий фаолият самардорлигини ошириш ва моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш бўйича вазифалар белгиланган.

Шунга мувофиқ, вазирликнинг тегишли буйруғи билан жорий йил 26-30 март кунлари муҳандис-техник кадрлар тайёрлайдиган давлат ОТМлар фаолиятини таҳлил қилинди. Натижада мазкур олий таълим муассасалари юқори малакали мутахассислар тайёрлашда потенциал иш бериши ҳисобланган жами мингта қирқдан ортиқ муассаса билан ҳамкорлик ўрнатгани аниқланди. Шу билан бирга, уларда 50 дан ортиқ лаборатория тўплами яроқсиз ҳолга келгани, 20 дан ортиқ лаборатория тўплами маънан эскирган, яна шунчаки фойдаланилмаётгани маълум бўлди.

Ўқув режага мувофиқ, муҳандис-техник кадрлар тайёрлайдиган давлат ОТМлар талабалари таълим жараёни жадаллаштирилган муддатда амалиётга юборилмоқда. Бу борада фаолият юритаётган 2 мингдан ортиқ корхона билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бироқ амалиёт борган талабаларнинг назарий билими билан замонвий ишлаб чиқариш ўртасидаги

тафовут ҳамон сақланиб қоляпти. Бу таълим тизimini қайта кўриб чиқишни талаб этади.

2023-2024 ўқув йилида бакалавр ва магистратура мутахассислиги бўйича ишлаб чиқилган амалдаги меъёрий-усlubий ҳужжатлар таҳлил қилинганда 749 та таълим йўналиши бўйича малака талабларидан 115 таси, 274 магистратура мутахассислиги бўйича 38 та малака талаби ўқув режаларига мос эмаслиги аниқланди. Айни пайтда муҳандислик-техник соҳаси таълим йўналишларини 80 тадан 53 тага қисқартириб, 8 та замонвий таълим йўналишини киритиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилди.

Мамлакатимиздаги ОТМларда муҳандислик таълим йўналишларида кадрларга талаб кескин ўзгарди. Ишлаб чиқаришда замонвий технологияларни қўллашда битирувчиларнинг компетентлиги, билим ва кўникмалари талаб даражасида эмас. Муҳандислик олийгоҳларининг иқтисодиётнинг реал сектори билан ўзаро интеграцияси самарали эмаслиги сабабли юқори малакали кадрлар тайёрлаш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Фаолият юритиш жоизбадорлиги ҳамда ёшлар қизиқиши наслиги учун соҳага иқтидорли ёшларни жалб этиш йил сайин мураккаблашмоқда.

Глобаллашув даврида хоржий тиллардаги адабиётлар билан танишмасдан яхши мутахассис бўлиб етишиш қийин. Бунинг устига техник атамаларнинг чет тилларда эканини ҳам эътиборга олиш лозим. Университетларга жалб этилган хоржийлик профессор-ўқитувчилардан билим олиш, техник ва илмий адабиётлар билан танишиш, стажировкалардан самарали фойдаланиш ёшлардан чет тилларни янада чуқур эгаллашни талаб этади.

Бу, ўз навбатида, олийгоҳларимизнинг илмий-тадқиқот институтлари ва тармоқ корхоналаридаги хоржий нуфузли маълумотлар базаларига интеграция қилинган ахборот-ресурс марказ (кутубхона)ларидан унумли фойдаланиш заруратини оширади.

Муҳандислик таълими бўйича кадрлар тайёрлайдиган ОТМларнинг илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ҳам долзарб масалалардан. Бунда илмий тадқиқот билан шуғулланувчи олимларнинг университетларда дарс бериши, ОТМ профессор-ўқитувчиларининг илмий тадқиқот билан узлуксиз шуғулланиши учун шароит яратиш ва буни рағбатлантириб бориш лозим.

Бозор иқтисодиёти шароитида техника йўналишидаги университетларнинг асосий даромад манбаи талабаларни ўқитишдан келиб тушадиган контракт пули бўлиб қолиши керак эмас. Аксинча, университетлар илмий тадқиқот натижаларини тиждорлаштириш, муайян билим ва кўникмалар талаб қиладиган хизматлар кўрсатиш орқали пул топиши ва у талабалардан келадиган даромаддан кўпроқ бўлиши лозим.

Олий таълим муассасаларига илгор хоржий тажрибаларга асосланган инвестицияларни жалб қилиш механизми бўйича ҳуқуқий асослар яратиш вақти ҳам келди, деб ўйлаймиз.

Муҳандислик соҳасидаги илмий изланишлар саноат корхоналаридаги муаммолар ечимига қаратилиши керак. Бунинг учун эса муаммо ва ечимлар базасини шакллантириш талаб этилади. Пировардида таълим кластерлари, кооперацияларни кенгайтириш, тажриба-ишлаб чиқариш корхоналари (спин-оф) очиб, давлат ва ишлаб чиқарувчи маблағларини жалб қилиш, тадқиқот ўтказиш, рақобатбардош махсулот яратиш, тиждорлаштириш керак.

Кейинги етти йилда аҳоли фаровонлигини ошириш, даромадди иш ўринлари яратиш, маҳаллий махсулотларни хомашё эмас, тайёр махсулот сифатида халқро бозорларга экспорт қилиш мақсадида салмоқли инвестиция жалб этилиб, йилгига қарийб 3 минг саноат



корхонаси ишга туширилишига эришилди. Натижада минглаб иш ўрни яратилди, аҳоли даромади ошди, ёшларнинг иш излаб чет элга кетиш ҳолати сезиларли камайди.

Бундай индустриал ислохотлар натижасида тахминан 150 минг иш ўрни очилди, кластерлар, кооперациялар ва қўшма корхоналар сонини ҳамда ҳажми ошириб, қўшимча қиймат яратилмоқда. Утган тўрт йилда 1727 та амалий, инновацион, фундаментал ва стартап лойиҳага

четда қолиб, ҳеч ким таҳлил қилмасдан ўртга қаралиб, қатор ҳужжатлар қабул қилиниши баробарида тадқиқот, тажриба-конструкторлик харажати 2 баробар ортди. Таҳлилларга кўра, маблағнинг 41 фоизи давлат улуши бор корхоналарга, 34 фоизи хусусий секторга ва 25 фоизи олийгоҳларга тўғри келгани ОТМларда муҳандислик бўйича ишлар ҳали ҳам оқсаетганини кўрсатади.

Йўналишда юзлаб стартап ва инновацион лойиҳалар амалга оширилмай келинган. Олийгоҳ билан саноат ўртасида интеграцияни йўлга қўйиб, ректорлар корхоналарга бориб, янги технологиялар билан танишиб, самарали устуна ва дастоҳларни ўрганиб, мустаҳкам алоқани йўлга қўйиш вақти етди.

Давлат олийгоҳларида муҳандислик йўналишида 264 минг бакалавр, 3 минг магистр таълим олиб, йилгига 67 минг талаба ўқишни битирмоқда. Аммо айни пайтда баъзи фанлар ва мутахассисликлар давлат талабларига мос эмас. Ваҳоланки, эҳтиёжга яраша мутахассисларни жаҳон талаблари асосида тайёрлаш бугуннинг устувор вазифасидир.

Талаб ва тақлиф тўғри мувофиқлаштирилган жойда соҳа ривожланиши, мутахассислар ўз ўрнини топади. Глобаллашув шароитида халқро талаблар ҳисобга олиниб тайёрланмаган муҳандисларнинг 60 фоизи бошқа соҳаларда ишлаётгани, айни пайтда мамлакатдаги жадал инвестициявий лойиҳаларни самарали бошқариш учун 4 минг муҳандисга талаб борлиги келгусидаги ишларни “тармоқ — корхона — олийгоҳ” занжирини тамойиллари асосида йўлга қўйишни тақозо қилади.

2023-2024 ўқув йилида энгил саноат конструкцияси йўналишида 153 мутахассис тайёрлаган Бухоро, Жиззах, Сурхондарё, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги муҳандислик олийгоҳлари 2024-2025 ўқув йилида маҳаллий ҳокимлик, инвесторлар билан қўшимча қиймат масалаларини кўриб чиқиб, кўпроқ квота ажратиши бу борадаги ишларимизнинг илгари сизлишига асос бўлади.

Давлатимиз раҳбари жорий йил 20 июнда “Инно” инновацион ўқув-ишлаб чиқариш технопаркига таширф буюриб, муҳандислик соҳаларида кадрлар тайёрлаш ва олий таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари юзасидан видеоселектор Ингилиши ўтказганди. Таъкидланганидек, бугун нафақат квоталарни кўриб чиқиш, балки ўзини оқламаётган кафедраларни инновацион тармоқларга бириштириш, кераксиз фанларни қисқартириш ва янги фанлар киритиш, профессор-ўқитувчиларнинг малакасини хоризда ошириш, юкламаларни оптималлаштириш ва жаҳонда энг сўнгги инновацион ўқув қўлланимларни таржима қилиб, фан сифатида кенг жорий қилиш зарур.

Таълим сифатини ошириш айни куннинг устувор масаласи бўлиб, унга монанд “кластер” тушунчаси самарали модель сифатида киритилди. Бу услуб иқтисодиёт, саноат ҳамда унинг таълимга таътиқ этилишини таъминлаш дастурига айланади.

Президентимиз жорий йил апрелда Юнусов 5-мактабга таширф буюрганида “Ўзбекистон — 2030” стратегияси бўйича таълим тизими ислохотлари ижроси билан танишиб, ўқувчи ўринларини қўлайлаштиришга алоҳида эътибор қаратди. Замонвий муҳандислик ютуқларидан самарали фойдаланган ҳолда муассаса, биналар барпо этиш, янги ўқув ўринлари яратиш билан бирга таълим сифатини ошириш, муҳандислик мактаблари қаторида



умумтаълим муассасаларида ҳам фарзандларимизга касб-хунар ўргатиш муҳимлигини таъкидлади.

Юртимиз олий таълим тизими жаҳоннинг энг нуфузли ОТМлари билан интеграциялашиб, академик алминувларга эришти. Шу жараёнда тўпланган тажриба асосида “боча — мактаб — университет” ахлитлигидаги инновацион педагогик кластер ташкил этилиши айни мудао бўлди.

Муҳандис мутахассислар тайёрлаш саноат, ишлаб чиқариш тармоқлари, замонвий иқтисодиёт ривожланишининг бирдан бир инновация йўлидир. Президентимиз 2022 йилдаги Мурожаатномасида “...Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашни кенгайтираемиз. Кимё саноати, электр техникаси, транспорт ва энергетика соҳаларида нуфузли халқро ташиқлотлар билан бирга, алоҳида Муҳандислик мактаблари ташкил қилинади. Бу тизим бизда ҳозиргача бўлмаган. Лўнда айтганда, янги замон инженерлари тайёрлаш тизimini яратамиз”, деган эди.

Мамлакатда иқтисодий барқарорликка эришиш, саноатни янада ривожлантириш учун бугун технологиялар, айниқса, муҳандислик соҳасига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Европа давлатлари рақамли технологиялар соҳаси, техника жаҳвалари ва турли ноу-хаулар орқали ўз истиқболли дастурларини ҳамда назарияларини шакллантириш билан бирга тўпланган тажрибани амалиётга кенг жорий қилмоқда. Натижада муҳандислик соҳаларида жадал илмий такомиллашув кузатилиб,

замонавий иқтисодиётга таяниб, пухта режалаштирилган қарорлар қабул қилиш учун бу давлатлар етарли мотивация ва истиқболли имкониятларга эга бўлмоқда.

Муҳандислик мактаблари учун олий таълимни ислоҳ қилиш, коллежлар базасини аниқлаш, уларга хоржийлик мутахассисларини жалб этиш, мактабларнинг йўналиш дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда саноат кооперациясини кенгайтириш бугунги муҳим вазифадир.

Айни пайтда ихтисослашган мактаблар фаолиятини тубдан такомиллаштириш бўйича устувор вазифалар белгилаб олинган. Шунингдек, муҳандислик мактаблари ўқувчиларини халқро таълим дастурлари асосида ўқитиш ҳамда замонвий ўқув дарслиқлари билан таъминлаш жараёни бошланган.

Мазкур мактаб ўқувчилари камида 1 та хоржий тилни билиши бўйича миллий ва халқро сертификат олиши мумкинлиги талаб этилмоқда. Улардаги юқори синф ўқувчилари бевосита корхоналарда амалиёт ўташи учун ихтисослигидан келиб чиқиб, илмий-тадқиқот институтлари ва олийгоҳлар кафедраларига бириктирилмоқда.

Умуман, ихтисослашган мактаблар таълим, илм ва амалиётни ўзига қамраб олган янага кластер доирасида фаолият юритиши кераклиги ҳозир долзарб ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Бугун 700 дан ортиқ касб-хунар мактаби, коллеж ва техникум имкониятидан самарали фойдаланиш зарурлиги белгилаб берилган. Ҳар бир вилоятда 1 тадан техникумда Европа касбий таълим стандартлари жорий қилинмоқда. Хусусан, кимё саноати, электротехника, транспорт ва энергетика соҳаларида нуфузли халқро ташиқлотлар билан бирга алоҳида муҳандислик мактаблари ташкил этиляпти. Замонвий муҳандислар тайёрлаш мактаблари келажакда мамлакатимизда техника ва технология соҳаси жадал тараққий этишини асослайди.

Ривожланган давлатлар тажрибасига назар солсақ, муҳандислик жуда қисқа муддатда юқори сифатли махсулотлар ишлаб чиқаришга жалб этилиб, инсоният учун қўндалик зарур турли мақсад ва воситаларни яратди. Шу орқали экспорт айланмасини оширишга ҳисса қўлади. Бу замонвий иқтисодиётда ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантиришга туртки бўлади. Юқори сифатли махсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ошгани сари бозорда талаб ҳам кўпаяди ва мамлакат иқтисодиётини янада барқарорлаштиради.

Муҳандислик ва технология соҳасидаги инновациялар замонвий иқтисодиётнинг ўсишини таъминловчи катализатор бўлиб, аҳоли фаровонлиги, айниқса, онгини ошириш, қўшимча қиймат яратишга ҳам хизмат қилади.

Таълим кластерлари, кооперацияларни кенгайтириш, тажриба-ишлаб чиқариш корхоналари (спин-оф) очиб, давлат ва ишлаб чиқарувчи маблағларини жалб қилиш, тадқиқот ўтказиш, рақобатбардош махсулот яратиш, тиждорлаштириш бугуннинг долзарб масаласидир.

2,2 триллион сўм йўналтирилиб, тадқиқот, тажриба-конструкторлик харажати 2 баробар кўпайди.

Жорий йилда давлат инвестиция лойиҳалари доирасида ишлаб чиқаришга 21 триллион сўм йўналтирилиб, 37,5 миллиард долларлик хоржий ва худудий инвестиция лойиҳалари ишга туширилиши белгиланган. Шу сабабли олий таълим муассасаларига назария ва амалиётни бирга олиб бериш устувор вазифа сифатида белгилаб берилди.

Илгари олий таълим муассасаларида ишлаб чиқариш ўзибуларчиликка ташлаб қўйилган эди. Айтايлик, қабул жараёнида муайян мутахассислик керакми-йўқми, деган савол бир



Долзарб мавзу

Жаҳон банки маълумотларига кўра, бир йилда хонадонларда 2 миллиард тоннадан ортиқ маиший чиқинди ҳосил бўлади. Ўзбекистонда ҳам ушбу кўрсаткич кам эмас, йилига 10 миллион тоннадан ортиқ. Агар мамлакатимиз аҳолиси ҳар йили 1,5 фоиз ошиб бораётганини ҳисобга олсак, бу кўрсаткич 2030 йилга бориб, 18 миллион тоннани ташкил этади. Бу рақамлар фақат маиший чиқиндига тегишли. Бугун 100 дан ортиқ полигонда иккиламчи хомашё сифатида 3,5 миллиард тонна саноат чиқиндиси ҳам сақланмоқда.

ЎН МИЛЛИОН ТОННАДАН ОРТИҚ ИККИЛАМЧИ ХОМАШЁ

Уни қайта ишлаш даражаси қониқарлими?

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги маълумотига кўра, Ўзбекистонда 20-30 фоиз чиқинди қайта ишланади.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, шунингдек, ҳудудларнинг санитария ва экологик ҳолатини яхшилаш соҳасида изчил сиёсат юргизилмоқда. Бу борада қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди ва ижро этилмоқда.

Президентимизнинг 2022 йил 2 декабрдаги “2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётига ўтишига қаратилган ислохотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, 2030 йилга бориб, маиший чиқиндиларни қайта ишлаш даражасини 65 фоизга етказиш белгиланган.

Маълумотларга кўра, айна пайтда ҳудудларда 209 та маиший чиқинди полигони мавжуд. Санитар-эпидемиологик ва экологик талабларга жавоб бермаслиги ва ўз ресурсини ўтаб бўлгани учун улардан 26 тасининг фаолияти тўхтатилган. Бундан ташқари, 2020-2023 йилларда 47 та маиший чиқинди полигони рекултивация қилиниб, фаолияти тўхтатилган ва маҳаллий ҳокимликлар ер заҳирасига топширилган. Ушбу полигонлардан атмосферага йилга 400 минг тонна иссиқхона газини ва ер остига 43 минг тонна зарарли сизот сув чиқарилган. Ачинарлиси, 300 дан ортиқ саноат ва маиший чиқинди полигони 12 минг гектар ерни эгаллаб келмоқда.

Олдин чиқиндиларни бошқариш тизими давлат бюджетидан амалга ошириладиган коммунал хизмат сифатида фаолият юртарди. Ҳозирда бу соҳа бозор механизмига ўтказилган.

Энди чиқинди полигонларини тартибга келтириш ва чиқиндиларни қайта ишлаш бўйича янги тизим бўлади. Ҳар бир вилоятда жойлашуви қўлай бўлган 3-4 тадан полигон махсус экосаноат зонасига айлантирилиб, қайта ишлаш лойиҳалари амалга оширилади. Қолганларидан чиқиндини қайта ишлаш тўғрисида қайта ишланадиган, “қайта ишланмайдиган” ва “озик-овқат” тоифаларига ажратган ҳолда йиғиш ташкил этилади.

Нима учун бу ишлар босқичма-босқич қилинади, нега бирдангина эмас? Бунинг учун, биринчи навбатда, чиқиндиларни саралаш учун талаб қилинадиган контейнер ёки махсус қоплар, шунга мосланган транспорт воситалари, логистика тизимини таянч қилиш керак. Бу эса муайян вақт талаб қилади. Ҳозир бу борада ишлар бошланган. Жумладан, жойларда рангли пластик қоплар ишлаб чиқариш ва жойлаштириш чоралари кўрилмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат — одамларнинг онги, дунёқарашини ўзгартириш. Уйда ҳосил бўлган чиқиндини аралаш ҳолда ташлаш қандай оқибатларга олиб келади-ю, саралаб олиб чиқиш келажак авлод фойдаланаримиз учун қанчалик аҳамиятли эканини етказиш зарур.

Фармон билан жорий йил 1 июлга қарар тегишли санитар тозалаш корхоналари

шоҳобага олиб боради. Тадбиркорлар эса улардан қайта ишланадиган фойдаланиш чикиндини сотиб олади.

— Биринчи навбатда, чиқиндини яроқсиз маҳсулот эмас, табиий ресурс сифатида қарашга ўрганишимиз керак, — дейди Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги бош мухассиси Умаржон Абдуллаев. — Масалан, пластик чиқинди. Бу ер остидан қазиб олинган нефть маҳсулотлари ёки газни қайта ишлаш натижасида ҳосил бўлади. Шунини инобатга олиш керакки, бу ресурс чекланган. Ёки ишлаш маҳсулотлар ҳам худди шундай. Энди биз уларни чиқинди полигонига юборишни эмас, саралаш, қайта ишлаш орқали иккиламчи хомашё ишлаб чиқаришни ўйлашимиз керак. Бунинг учун, аввало, саралаб йиғиш тизимини амалиётга жорий қилиш лозим бўлади. Тажрибадан кўраимизки, турли чиқиндиларни саралаш олиш учун баъзи давлатларда ўндан ортиқ, баъзиларида бештадан ортиқ кути жойлаштирилади. Энди бу амалиёт бизда ҳам жорий этилади.

Президентимизнинг шу йил 4 январдаги “Чиқиндиларни бошқариш тизимини такомиллаштириш ва уларнинг экологик вазиратга салбий таъсирини камайтириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони билан қаттиқ маиший чиқиндиларни саралаш тизими босқичма-босқич амалга оширилади. Биринчи босқич — 2024-2026 йилларда Тошкент, Ангрэн, Андижон, Бухоро ва Термиз шаҳарлари ҳамда Тошкент туманидаги кўп қаватли уйлар жойлашган ҳудудларда чиқиндиларни чиқинди йиғиш майдончаларида “қайта ишланадиган”, “қайта ишланмайдиган” ва “озик-овқат” тоифаларига ажратган ҳолда йиғиш ташкил этилади.

Мамлакатимизда чиқиндини қайта ишлаш кўрсаткичи йилдан йилга ўсиб бормоқда. Бугун маиший қаттиқ чиқиндини қайта ишловчи 313 та корхона фаолият юртимокда. Бу чиқиндиларни қайта ишлаш учун етарлими, улар қайси турдаги чиқиндиларни қайта ишламоқда?

— Мазкур корхоналар айна пайтда асосан, пластик, қоғоз ва рангли металлни қайта ишлаяпти, — дейди У.Абдуллаев. — Бундан ташқари, тери, шива ва бошқа турдаги маҳсулотларни қисман қайта ишловчи



томонидан фуқаролар чиқиндиларни тоифаларга ажратган ҳолда тўплаш учун QR-коди махсус чиқинди пакетлари билан бепул таъминланади.

Мазкур ҳужжатнинг яна бир эътиборли жиҳати, чиқинди хизматлари учун ойлик тўловдан қарздорлиги бўлган абонентлар SMS орқали хабардор қилиб борилади. Агар қарздорлик вужудга келгани тўғрисида олдиндан электрон тўлов тизимлари орқали оғохлантирилгандан кейин ҳам тўлов қилинмаган тақдирда абонентлар мазкур қарздорликни бартаараф этмагунча электр энергияси учун тўловларни қабул қилишни вақтинчалик чеклаш амалиёти босқичма-босқич йўлга қўйилади. Яъни биринчи босқичда Тошкент ва Нукус шаҳарлари ҳамда вилоятлар марказларида шу йил 1 июндан бошлаб чиқинди хизматлари бўйича 6 ой давомда шакланган қарздорлик учун, иккинчи босқичда барча ҳудудларда 1 ноябрдан бошлаб чиқинди хизматлари бўйича 3 ой давомда шакланган қарздорлик учун, учинчи босқичда 2025 йил 1 январдан бошлаб чиқинди хизматлари бўйича 1 ойлик қарздорлик учун жорий этилади.

Мамлакатимизда чиқиндини қайта ишлаш кўрсаткичи йилдан йилга ўсиб бормоқда. Бугун маиший қаттиқ чиқиндини қайта ишловчи 313 та корхона фаолият юртимокда. Бу чиқиндиларни қайта ишлаш учун етарлими, улар қайси турдаги чиқиндиларни қайта ишламоқда?

— Мазкур корхоналар айна пайтда асосан, пластик, қоғоз ва рангли металлни қайта ишлаяпти, — дейди У.Абдуллаев. — Бундан ташқари, тери, шива ва бошқа турдаги маҳсулотларни қисман қайта ишловчи

корхоналар ҳам мавжуд. Шунга қарамай, 80-90 фоиз чиқинди полигонларига олиб чиқиб ташланмоқда. Бу эса, ўз навбатида, атроф-муҳитга жуда катта зарар келтиради. Ваҳоланки, бугун барча турдаги чиқиндини қайта ишлаб, ўндан иккиламчи маҳсулот ёки мўқобил энергия олиш имконияти бор.

Маълумотларга кўра, мамлакатимизда йилга 125 миллион тонна саноат чиқиндиси ҳосил бўлади. Бу маиший чиқиндидан 12,5 баробар кўп. Бу турдаги чиқиндилар ҳозирги пайтда 75 та полигонда сақланмоқда. Уларда айна пайтда 3,3 миллиард тонна чиқинди бор. Юқорида айтганимиздек, бу чиқиндининг айрим турларигина, яъни икки миллион тоннага яқини қайта ишланмоқда.

Қайта ишлашни кенгайтириш мақсадида қабул қилинган 2019-2028 йилларда Ўзбекистон Республикасида қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегияси икки босқичда амалга оширилмоқда.

Биринчи босқичда қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишлар соҳасидаги қонунчилик базаси ва иқтисодий тартиботлар механизми таъминлаштириш, қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатишнинг самарали ташкил этилишини таъминлаш мақсадида санитария жиҳатидан тозалашнинг моддий-техник базаси ва инфратузилмасини ривожлантириш борасидаги ишлар амалга оширилди. Хусусан, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, қаттиқ маиший чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида экологик таълим тизимини ривожлантириш учун методик ва ахборот таъминоти яратилди.

Иккинчи босқичда қаттиқ маиший чиқиндиларни саралаб йиғиш бўйича инфратузилмани ривожлантириш, полигонларни оптималлаштириш, қайта юклаш станциялари ва чиқиндиларни қайта ишлаш объектлари қуриш, чиқиндилар билан боғлиқ ишларни комплекс амалга ошириш кластерлари фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг қайта ишлаш бўйича салоҳиятини ошириш бора-бора тизимли ишлар қилинмоқда.

Бу босқичда, яъни 2028 йилгача аҳолини қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар билан қамраб олиш 100 фоизга етказилади. Ҳосил бўладиган қаттиқ маиший чиқиндиларнинг камида 60 фоизини қайта ишлаш кўзда тутилган. Шунингдек, ўзига ҳос қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш ҳажми 25 фоиз оширилади ва полигонларга қўйиш учун йўналтириладиган қаттиқ маиший чиқиндилар ҳажми 60 фоизгача камайтирилади.

Натижада қаттиқ маиший чиқиндиларни утилизация қилиш орқали ҳажми камайтирилиб, кимёвий моддалар зарарсизлантирилмоқда. Шу билан бирга, чиқиндиларни ёқиш натижасида мўқобил энергия ишлаб чиқариш ва иккиламчи моддий ресурсларни ажратиб олиш имконияти яратилапти.

Шунингдек, белгиланмаган жойларга чиқинди ташлашнинг олдини олиш мақсадида республика бўйлаб 200 га яқин замонавий видеоназорат ўрнатилди. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги ситуация марказда уларнинг доимий назорати йўлга қўйилди.

— Чиқиндилар билан боғлиқ ишлар соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш ҳамда чиқиндиларга оид экологик сиёсат юритиш мақсадида амалдаги бир қанча нормалар эскиргани сабабли янги таҳрирдаги “Чиқиндилар тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ислам Хушвақтов. — Қонуннинг асосий вазифаси чиқиндилар фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига, атроф-муҳитга зарарли таъсирининг олдини олиш ҳамда ҳосил бўлишини камайтиришдан иборат.

Қонун лойиҳасида чиқиндилар билан боғлиқ ишлар борасида аниқ ваколатли давлат органини белгилаш кўзда тутилмоқда. Мулкчилик шаклидан қатъи назар, соҳада фаолият кўрсатётган юридик шахсларга шарт-шароит яратиб бериш, ишлаб чиқариш чиқиндиларини қайта ишлаш, маиший рўзгор чиқиндиларини утилизация қилишни ташкил этган ҳолда атроф-муҳитга,

инсонлар соғлиғи ва мулкига салбий таъсирини камайтириш билан боғлиқ метёрлар белгиланапти.

Жаҳон таҷрибасида чиқиндиларни қайта ишлаш орқали миллион, ҳатто миллиард доллар даромад олаётган компаниялар мавжуд. Ана шу нуқтан назардан қараганда, бугун соҳага хорижий инвесторларни жалб қилиш муҳим аҳамиятга эга.

— Ўз-ўзиндан аёнки, инвесторлар даромад олиш учун маблағ сарфлайди. “Чиқиндиларни бошқариш тизимини такомиллаштириш ва уларнинг экологик вазиратга салбий таъсирини камайтириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармон билан чиқиндиларни қайта ишлаш ёки экологик хавфсиз тарзда утилизация қилишни йўлга қўйган тадбиркорларга “яшил субсидиялар” ажратилиши жорий этилмоқда, — дейди У.Абдуллаев. — Шу кунгача Ўзбекистонда бу тизим йўқ эди. Инвесторлар келарди, чиқиндини ўрганарди ва шароит йўқ экан, деб қайтиб кетарди.

Бу бўйича вазирлик, ҳудудий бошқармалар ва маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда инвесторларни жалб қилиш чоралари кўрилмоқда. Фармондан кейин жуда кўп инвесторлар соҳага қизиқиш билдира бошлади. Айна пайтда чиқиндиларни қайта ишлаш орқали энергия ишлаб чиқариш бўйича қатор йирик хорижий инвесторлардан таклифлар келиб тушапти.

Масалан, Тошкент вилояти Оҳангарон туманидаги 60 гектарли маиший чиқинди полигонига Жанубий Корея компанияси иштирокчида 50 йил давомда йиғилган чиқиндидан атмосферага чиқаётган метан газини йиғиб олиш ва уни ёқиб электр энергияси ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Шунингдек, Андижон вилоятида чиқиндиларни ёқиб, электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқаришга мўлжалланган завод қурилиши устида иш олиб боришмоқда.

Андижонда 6 та тадбиркорлик субъекти томонидан 61,5 тонна ҳажмдаги умумий қиймати 238 миллион сўмлик иккиламчи хомашё биржа орқали реализация қилинди.

Яна бир жиҳат — соҳани хусусийлаштириш. 2019-2028 йилларда Ўзбекистон Республикасида қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегияси доирасида айна кунгача санитар тозалаш корхоналарининг 70 фоизи хусусийлаштирилди. Шу билан бирга, 110 та мўқобил корхона фаолияти йўлга қўйилди. 2028 йилгача бу вазифа 100 фоиз ижро этилади.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, соҳанинг ҳуқуқий лойиҳасини мустаҳкамлаш борасида меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган, зарур шароитлар яратилмоқда. Ёнг муҳими, бу бир вазирлик ёки тегишли корхона ва ташкилотларнинг эмас, балки барчамизнинг умумий ишимиз. Агар шу мақсад йўлида бирлашсак, экологик барқарорликни сақлаб қолишга, табиат муҳофазасига сезиларли қўс қўрсатган бўламиз.

Лутфулла СУВОНОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Ташаббус

Қаловини топсанг, қор ҳам ёнади, деган гап бор. Албатта, бу нақл бежиз айтилмаган. Боиси, киши агар ўзи хоҳлаб бирор ишни астойдил бажаришга киришса, унинг улдасидан чиқиши аниқ. Лекин бунда ҳаммининг ҳам омади чопавермайди. Фақатгина ҳаракатчан, йўналишини яхши биладиган одамгина бошлаган ишни эплаб кетиши мумкин. Айниқса, бугунги кунда тадбиркорлик қилиш истагида бўлган одам учун барча имкониятлар эшиги кенг очилган.



ТАДБИРКОР ЧИҚИНДИДАН ДАРОМАД ОЛИШНИ БОШЛАДИ

еб юрган қўй-қўзи тўсатдан ҳаракатдан тўхтади. Қанча парваршиш қилсангиз ҳам бирор нарса емай қўяди. Ветеринар ҳам давосини тополмай сарсон бўлади. Мажбуриятдан қўйни сўйганимиздан кейин сабаби аниқланади. Кўпинча унинг ошқозонига елим халта тикилиб қолган бўлади. Бундай ҳолат кейинги йилларда кўп такрорланмоқда. Бунинг сабабини ўрганишга ҳаракат қилдим. Қишлоқларда эрта баҳорда ҳар йили Наврўз сайли кенг даладарда ташкил этилади. Сайли ўтган куннинг эртаси кунни у жойга қарасангиз чиқинди уюмини кўрасиз. Турли елим халталарни шамол ҳар томонга учуриб юради. Шундай пайтда қўй-қўзлар, қора моллар даштда ўтлаб юрган бўлади. Хашаққа қўшиб ютиб юборади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, табиатга зиён етказётган маиший чиқинди орасида полиэтилен пакетлар улуши катта. Ҳар йили 100 мингдан ортиқ қўш полиэтиленни ейтиши ёки пакетга тикилиб қўлиши оқибатида нобуд бўлади. Бундай пакетлар парчаланиши учун 100-500 йил вақт керак. Уни ёқиш ҳам хавфли. Бу ҳаво ифлосланишига, озон қатлами емирилишига сабаб бўлади. Шу боис, 40 дан зиёд мамлакатда полиэтилен пакетлардан фойдаланишда таққиб чекловлар жорий қилинган.

Маълумотларга кўра, дунёда ҳар бир инсонга йилга ўртача 20 тонна хомашё сарфланиб, унинг 97 фоизи чиқиндига чиқарилади. Бу маҳсулотларнинг хизмат муддати қисқараётгани, унинг ўзидан ўрамага кўпроқ эътибор қаратилаётгани, бир марталик буюмлардан кенг фойдаланилаётгани билан боғлиқ. Чиқиндини саралаш ва қайта ишлаш, унинг табиатга, инсониятга зиёнини камайтириш XXI аснинг энг долзарб масалаларидан бирига айланди.

Жумладан, яқинда қамашлик ишбилармон ташаббуси билан туманда чиқиндини қайта ишлаш корхонаси иш бошлади. Ҳозир туманининг деярли тўқсон фоиз маҳаллаларида чиқиндини олиб кетиш хизмати жорий этилган. Янги лойиҳа нафақат маиший чиқиндиларни зарарсизлантиришга, балки аҳоли бандлигини таъминлашга ҳам хизмат қилмоқда.

— Бир неча йилдан бери туманимизда бу муаммони бартаараф этиш чоралари ҳақида бош қотирилаётгани, — дейди қамашлик Нурбек Расулов. — Тадбиркорнинг айнан шу йўналишда фаолият бошлагани барчамиз учун қувонарли. Ҳозирга қадар аҳоли хонадонларидан чиқарилаётган чиқиндилар оқиб табиатга ташланарди. Энди бунга барҳам бериладиган бўлди. Тоза ҳудудда яшашнинг завқи барбир бошқача. Бундан барчамиз мамнуним.

“Қамай-Қорасув-Экос” масъулияти чекланган жамиятига қарашли корхона бутун нафақат Қамашда, балки ён-атрофдаги туманларга ҳам хизмат кўрсатмоқда. Умумий қиймати 5,5 миллиард сўм бўлган лойиҳа даштга туширилганига кўп бўлмаган бўлса-да, даромад топишни бошлаб юборди. Ҳозир корхонада 22 киши доимий иш ўрнига эга бўлиб, қунига 2,2 тонна ярим тайёр маҳсулот ўшлаб чиқаришмоқда.

— Анчадан бери шу ишни бошлашни режалаштириб юргандик, — дейди “Қамай-

Қорасув-Экос” МЧЖ раҳбари Шермамет Исмайтилаев. — Ишбилармон доира вакиллари кенг йўл очилиши бизга ҳам катта далда бўлди. Теъдда ҳаракатни бошлаб, ишга киришдик. Бу борада тажриба тўпладик. Малака оширдик. Ҳамкорлар билан гаплашиб, Хитойдан 220 миң долларлик ускуналар олиб келдик. Ушбу жиҳозлар орқали чиқинди полиэтилен, пластмасча ва қоплардан ярим тайёр маҳсулотлар, гранула тайёрланмоқда.



Фахр

Шахло ҲОШИМОВА,

Жиззах политехника институти ассистенти, “Келажак бунёдкори” медали соҳибаси

Ҳаёт қутилмаган воқеаларга бой, орзуга қачон ва қай тариқа етиштиш, сизга аталгани қандай келишини билмас экансиз. Болалигимдан шеър ёзиб, 14 ёшимдан буён Зулфия номидаги давлат мукофотини олишни орзу қилардим. 30 ёшимда эса қутилмаганда “Келажак бунёдкори” медали билан тақдирландим. Жиззах вилоятидаги иқтидорли, изланувчан, салоҳиятли ёшлар қатори тавсия қилинганим боис, аввалига мен ҳам, ота-онам ҳам бунга ишонмадик. Аммо кейин отам “Агар Президентимиз билан кўришсанг, дадам сизни яхши кўради, юритаётган сиёсатингиз учун раҳмат айтиб қўй”, дея тайинлади.



ЮРТИМИЗДАГИ ҲАР БИР ЁШ КЕЛАЖАК БУНЁДКОРИ

Медални шахсан давлатимиз раҳбари қўлидан қабул қилиб олар эканман, отамнинг сўзларини етказдим. Қисқа муддатли суҳбатимиз давомида давлатимиз раҳбари биз, ёшларни ҳаминча қўллаб-қувватлаши, ёнимизда туришини айтди. Бу самимий сўзлар мамлакатимизнинг ҳар бир йигит-қизига қаратилганини чуқур ҳис қилдим.

Президентимизнинг шу йил 30 июнь кунини Ўзбекистон ёшларига йўллаган байрам табригида ҳам бу алоҳида акс этгани бежиз эмас. “Биз ўз олдимизга қўйган улкан мақсадларимиз ижобатини, Янги Ўзбекистон келажagini бутун эл-юртимиз қатори сиздек азму шижоатли фарзандларимиз билан боғлиқ ҳолда кўрамиз”, деди давлатимиз раҳбари.

Ёшлар ниҳолга ўхшайди. Тўғри парваришлаб, униб-ўсиши учун шароит яратиб берилса, улкан дарахга айланади. Меваеси, соясидан бутун халқ баҳраманд бўлади. Ўзбекистон ана шундай оёқда мустақам тура оладиган, ўз сўзи ва мақсадига эга, ҳар томонлама баркамол авлод, етук ёшларни тарбиялаш йўлида жадал бораётган давлатлардан. Бунинг учун барча соҳада яратилаётган имконият, шароитлар самара бера бошлады. Илмли ёшлар сафи кенгайиб, тендошларимиз жаҳоннинг энг нуфузли олийгоҳларида таҳсил оляпти. Машҳур компанияларда ишлаяпти. Йигит-қизлар илми, салоҳияти билан юртимиз тараққиётига ҳисса қўшмоқда.

Оддий оиланинг ёлғиз фарзандиман. Отам ҳайдовчи. Шунинг ортидан оила тебратган. Шунга қарамай, асосий сармояни билим олишимга тиккан. Ҳамиша мени қўллаб-қувватлайди. Беш йил олий ўқув юртига киролмаганимда ҳам ҳеч қачон чекинмаслигим, илмдан ортга қайтмаслигим кераклигини айтиб, менга рағбат бериб турган.

Мана, унинг ишончи ва тиргаги билан магистратурани ҳам тамомлаб, айни пайтда Тошкент давлат аграр университети докторантура босқичида таҳсил оляпман. Туркиянинг машҳур университетларидан биридан докторантурада ўқиш таклифи олгандим, аммо ота-онамни ёлғиз қолдиришга кўзим қиймади. Таълимни юртимизда давом эттираётганимдан мамнунман. Чунки бу ерда сеvimли ишим бор. Икки йилдан буён Жиззах политехника институтида ишлаб, 200 дан ортиқ талабага дарс бериб келяпман.

Қатор лойиҳаларим бор, уларни ўз лабораториямда илмий ўрганиб, амалиётда синовдан ўтказаман. Асосий йўналишим қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлашга қаратилган.

Болалигимдан доим журналист бўлишни орзу қилганман. Шеър, ҳикоялар ёзиб юрганам учун шу касбга ҳавасим банд эди. Ҳозиргача бир неча тўпламим нашрдан чиққан. Аммо тақдир қилгани илм йўли экан. Айниқса, қишлоқ хўжалиги тезда қизиқтириб қўйди ва келажакимни шунда кўра бошладим. Махсулот етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш жараёни қизиқ эди. Бу борада янги илмий изланиш, лойиҳаларга қўл ура бошладим. 2021 йилда 6 та ана шундай инновацион лойиҳам

ТИЛ ЎРГАНИШГА ҚИЗИҚАМАН, БИР НЕЧА ХОРИЖИЙ ТИЛ БЎЙИЧА СЕРТИФИКАТИМ БОР. ИЛМИЙ ФАОЛИЯТДАН ТАШҚАРИ, СПОРТ БИЛАН ШУГУЛЛАНАМАН, ТАЭКВОНДОНИНГ ITF ТУРИ БЎЙИЧА 18 КАРРА ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНИ, ХАЛҚАРО ТУРНИР ҲОЛИБИ, БИРИНЧИ ДАРАЖАЛИ ҚОРА БЕЛБОҒ СОҲИБАСИМАН.

Молиялаштирилди. Уларнинг асоси озиқ-овқат маҳсулотларини чиқитта чиқармасдан, қайта ишлаб, иқтисодиётимизни ривожлантиришга қаратилган.

Чунки махсулот етиштириш бир қарра даромад бўлса, уни қайта ишлаш бир неча баробар фойда, дегани. Бунинг учун замонавий технологиялар, илмий асосланган лойиҳалар зарур. Масалан, Жиззах вилоятида кўп қовун етиштирилади, лекин истеъмол бозори жуда катта эмас. Агар ана шу маҳсулотни қайта ишлашни йўлга қўйсак, самарадорлик ошади. Докторлик ишим айнан шу йўналишга қаратилган. Махсулотнинг иккиламчи ҳосили — далаларда қолиб кетадиган, техник ҳамда биологик шикастланган қовунни олиб, ундан мармелад тайёрлаш технологиясини йўлга қўйиш устида ишлаяпман.

Тажриба давомида уй шароитида қуритилган қовун маҳсулоти намуналарини Туркиядаги Эгей университети профессор-ўқитувчиларига юбордим. Таҳлил натижалари олингач, халқаро журналда эълон қилиб, кейин юртимиз амалиётида қўлланиш мақсад қилганмиз. Бошқа мева-сабзавотларни қайта ишлаш бўйича ҳам шундай лойиҳалар қилмоқчимиз. Вилоятимизда бунинг учун имконият етарли ва келгусида ҳудудни қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган замонавий технологиялар манзилга айлантиришни мақсад қилганмиз.

Жорий йил апрелида Эгей университетида амалиёт ўтаб қайтдим. Ниятим у ердаги каби энг янги технологияларни юртимизга олиб келиб, институт талабаларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашда замонавий ёндашувларни ўргатишдан иборат. Чунки бугунги йигит-қизларда илм олишга иштиёқ ҳам, имконият ҳам юқори. Ўзим ҳам ана шу имкониятлардан фойдаланаётган ёшларданман. Тил ўрганишга қизиқаман, бир неча хорижий тил бўйича сертификатим бор. Илмий фаолиятдан ташқари, спорт билан шугулланаман, таэквондоннинг ITF тури бўйича 18 қарра Ўзбекистон чемпиони, халқаро турнир ғолиби, биринчи даражали қора белбоғ соҳибасиман. Илмий лойиҳаларим билан турли танловларда иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритиб келяпман. Жиззах ифтихори — “Олтин фонд” аъзосиман.

Умуман, инсон мақсадни тўғри қўйиши керак. Ёнида уни қўллаб-қувватлайдиганлар бўлиши ҳам муҳим. Айниқса, хотин-қизларнинг илм олишига кенг йўл очаётган жамиятда натижа ҳам шунга яраша бўлади. Мен бутун ана шундай илгор жамият аъзоси эканимдан хурсандман. Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётган мамлакат фарзанди эканимдан ғурурни туяман.

Бутун юртимиздаги ҳар бир ёш, жамиятга нафи тағайтган йигит-қизни келажак бунёдкори, деб биламан. Улар деҳқон ёки ҳайдовчи, шифокор ёки олим бўлишдан қатъи назар, келажак бунёдкорларидир. Чунки улар бекорчи эмас, ўз меҳнати, интилиши билан ҳеч бўлмаса, бир оилани таъминлашга ҳисса қўшапти. Улар жамият, мамлакат тараққиётига бефарқ эмас.

Нуқтаи назар

Айни пайтда миллий бирлик, инсон қадр, илм олиш гоёси диққат марказимизда бўлиши зарурлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Давлатимиз раҳбари илгари сурган қарашлар замирида глобаллашув шароитида ватандошларимизни миллий ўзлик ва манфаатлар атрофида бириктириш масаласи ётади. Хусусан, ёшлар тарбияси, уларни глобаллашув жараёнининг салбий оқибатларидан ҳимоя қилиш ҳар бир мамлакатнинг ички сиёсатидаги долзарб масалалардан.



ГЛОБАЛЛАШУВ унинг кучидан ўзига қарши фойдаланиш имкониятини қўлдан бой бермайлик



Самариддин ҚОРАЕВ, педагогика фанлари доктори

фидокорона курашган миллий қаҳрамонларимиз билан фахрланиш, уларга муносиб бўлиш туйғусини шакллантириш, миллий армиямизнинг қудрати ва салоҳиятига ишончни кучайтириш кун тартибига чиқди.

Ёшларда ён-атрофимиз ва жаҳонда рўй бераётган сиёсий-ижтимоий жараёнларга миллий манфаатларимиздан келиб чиққан ҳолда ёндашув кўникмалари, турли ички ва ташқи таҳдидларга қарши мафқуравий иммунитет шакллантирилмоқда. Ҳар қандай мураккаб вазиятда тезкор ва мустақил қарор қабул қиладиган, замонавий ҳарбий техника воситаларидан самарали фойдаланиш малакасига эга ёшлар тарбияланапти. Ўзбекистон манфаатларини ҳаётнинг барча жабҳасида ҳимоя қилишга тайёр туриш, юрт учун фидойи бўлиш — бугуннинг талаби экани ҳаётий мисоллар ва таъсирчан воситалар орқали ёшлар онгига сингдириб бориляпти.

Глобаллашув шароитида ҳаётимизга шиддат билан кириб келаётган хуружлар замирида чуқур ўйланган стратегия ва мақсадлар мавжуд. Улар ортида турган “ақли инсонлар” ўз гоёлари аслар давомида яшаб келаётган ўзга миллатлар қадриятлари ва мафқураси билан рақобатлаша

Ҳаётимизга кириб келаётган ҳодисаларнинг қамрови ҳам, йўналиши ва мақсадлари ҳам, шакли ва воситалари ҳам хилма-хил. Уларни дабдурустдан англаш, тушуниш ва таҳлил қилиш жуда мушкул. Ҳодисаларни қабул қилиш ёки “ўтказиб юбориш” учун инсондан ўзига яраша иқтисодий, диний, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, маърифий маданият ва дунёқараш талаб қилинади. Айниқса, ёшларнинг бу борадаги дунёқараш ва билими шаклланиш жараёнида эканини инобатга олсак, улар фаолиятида бу жараён билан боғлиқ хатолликлар бўлиши табиий экани намоён бўлади.

Глобаллашув шундай жараённи, унга пассив муносабатда бўлган жамият ҳар доим ютқази. Бу жараёнда кузатувчи ёки кириб келаётган ёт гоё ва таъсирлардан ҳимояланувчи мақомида қолиш мумкин эмас. Балки жамиятимизга ҳар хил йўл ва воситалар орқали кириб келаётган ёт, ҳатто вайронкор гоёларга қарши миллий гоёмиз, мафқураимиз, қадрият ва анъаналаримиз, бой маданий меросимиз, турмуш тарзимизни дунё ҳамжамиятига тартиб қилиш билан жавоб беришимиз зарур.

Зеро, Ўзбекистондан етишиб чиққан буюк алломаларнинг илм-фан, дин, санъат ва ҳарбий соҳалардаги ютуқлари аслар давомида бутун



Тараққиётнинг бугунги босқичига келиб, жамият ривожланишининг комплекс харақтерда содир бўлиши, ижобий жиҳатлари билан бирга салбий оқибатлари ҳам юзага чиқаётгани инсоният олдига янгидан янги муаммоларни қўймоқда. Бутун ўзаро таъсирлардан тўла ҳимояланган бирор-бир минтақа ёки давлатни топшиш мумкин эмас. Бу глобаллашув ва интеграция жараёни билан бевосита боғлиқ.

Бу жараён мамлакатларнинг иқтисодий, сиёсий, ҳарбий, маънавий, диний соҳалардаги салоҳиятига боғлиқ равишда турлича кечади. Тараққиёт этган давлатларда нисбатан фаол ҳодиса сифатида кузатилиши унинг жамият тараққиёти билан боғлиқ ҳодиса эканини кўрсатади. Ҳозир шиддатли кечаётган глобаллашув жараёнининг мамлакатларга салбий таъсирини камайтириш ва ижобий жиҳатини ошириш учун бу ҳодисанинг моҳиятини чуқур англаш, хусусиятларини илмий асосда ўрганиш лозим. Глобаллашувнинг моҳияти ва хусусиятларини тадқиқ этиш унга мослашиб, йўналишларини керакли тарзда ўзгартариш, унинг кучидан ўзига қарши фойдаланиш имкониятини яратади.

Глобаллашув жараёнининг бугунги босқичида ватан ва ватанпарварлик, миллат ва миллатпарварлик тушунчалари ҳар доимидан-да муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳар бир жамият олдида ўзликни сақлаш, ёт таъсирлардан ҳимояланиш, мафқуравий ва гоёвий хуружлар таъсиридан иҳоталаниш билан боғлиқ янги муаммолар пайдо бўлди. Бундай шароитда ёшларнинг мафқуравий иммунитетини ошириш, ёт мафқуравий таъсирга тушиб қолишдан асраш энг долзарб масалалардан. Бу мамлакатимиз шароитида қатор вазифаларнинг амалий ижросида кўзга ташланади. Жумладан, ёшларни миллий гоё ва ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, қалби ва онгига ватан ҳимояси шарафли ҳамда муқаддас бурч эканини чуқур сингдиришга катта эътибор қаратилмоқда. Қадим тарихимиз ва маданиятимиз, жонжон ватанимиз мустақиллиги ва раванқи йўлида

олиши, одамларни ортидан эргаштириши учун ҳар қандай усул ва воситалардан фойдаланади. Бундай ёт гоёлар ортидаги ғаразли мақсадларни англаш осон эмас. Бунинг учун одамларда, хусусан, ёшларда сиёсий онг, мафқуравий иммунитет, миллий қадрият ва анъаналарга ҳурмат, миллий тарбия ва юксак даражадаги ахлоқий сифатлар шаклланиши бўлмоғи лозим.

Мутахассислар жаҳонда мафқуравий хуружларнинг турфа шаклларини бир-биридан фарқлашга ҳаракат қилади. Бу каби хуружлар ортида миллатларни ўз миллий мафқураси ва ахлоқий идеалларидан маҳрум қилиш орқали гоёвий манкуртга айлантириш билан боғлиқ мақсадлар мавжуд.

дунё маънавиятига катта таъсир ўтказган. Жамиятимиз азалдан дунё маънавий ва маърифий, мафқуравий ва гоёвий янгилишларининг истеъмолчисигина эмас, балки бу жараёнларнинг пешқадами, яратувчилари қаторида бўлиб келган.

Модомики, гап ёшлар тарбияси ҳақида борар экан, яна бир миллий тарбия институтининг аҳамияти борасида тўхталмаслигини имкони йўқ. Оила ва маҳалла шарқона демократик институт сифатида ёшлар тарбиясида муҳим ўрин тутайди. Жамиятда соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришда бу институтининг аҳамияти катта. Ёшларни ватанпарвар, миллий анъана ва қадриятларимизга содиқ қилиб тарбиялашда оила ва маҳалла борасидаги ишларни изчил давом эттириш, тарбия масаласига жамият ва давлат сиёсати даражасида қараш зарур. Зеро, ахлоқан баркамол, ватанпарвар ва кенг дунёқаршли инсонларгина жамиятдаги жараёнларга нагли муносабатда бўла олади. Чунки ахлоқий тамойилларимизга таҳдидлар кучайиб бораётган ҳозирги даврда ахлоқий баркамолликка муқаррар таназзулдан асровчи восита сифатида қаралмоқда.

Миллий гоё ва мафқурага эҳтиёж тобора ортмоқда. Чунки миллий урф-одатлар ва қадриятларга ташқи таъсирлар кучайиб бораётган ҳозирги вазиятда энг самарали восита миллий гоё ва мафқурадир. Бу жараёнда миллий гоё ва мафқуранинг энг муҳим ижтимоий функцияларидан бири миллий ўзликни ҳимоя қилиш функцияси намоён бўлади.

Бутунги глобаллашув жараёни жамиятнинг деярли барча соҳасини қамраб олган катта тараққиётда янги даврни бошлаб берди. Бу жараён инсониятга катта имкониятлар бериш баробарида мисли кўрилмаган таҳдидларни ҳам рўбарў қилмоқда. Бундай таҳдидлардан ҳимояланиш механизмларини ишлаб чиқиш бугуннинг энг долзарб муаммоларидан.



2 ИЮЛЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ГЕРБИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КҮН



Ўзбекистон герби



Салим АШУР

Кўринг буюк иншони,
Миллатнинг шавкат, шони,
Ўзбекнинг мангу жони,
Мустақиллик имкони, —
Ватанимиз тимсоли,
Порлар офтоб мисоли.

Тарих суйган туғромиз,
Мангу янграр “ур-хо”миз,
Тоғ, дашту чўл, саҳромиз,
Доим тошқин дарёмиз, —
Ватанимиз тимсоли,
Порлар офтоб мисоли.

Жуфт кафтдек кўринса ҳам,
Кўёш, ойдек муаззам,
Эзгу мақсад мужассам,
Дилда муқаддас қасам, —
Ватанимиз тимсоли,
Порлар офтоб мисоли.

Замон савдо билан банд...
Хар не ғавғодан баланд,
Мудом тўрни қилар банд,
Байроқ, Қомусга пайванд,
Маҳфия билан дилбанд,
Ватанимиз тимсоли,
Порлар офтоб мисоли.

Ватан — сўлмас дарахтдир,
Ватан — шиддату шахтдир,
Маъноси — тожу тахтдир,
Борлиги — боқий бахтдир, —
Ватанимиз тимсоли,
Порлар офтоб мисоли.

Ўзлик илдишлари

Сўз гавҳаринини ШАРАФИ

Миллатнинг биринчи рамзи тилидир. Шунинг учун ҳар қандай давлат маданий мероси ва она тилини алоҳида эъзозлаб, ҳурмат қилади. Зеро, улуг аждодларимиз тарихи, миллий ва маънавий қадриятларимиз бизга она тилимиз ёрдамида мерос бўлиб қолади. “Тил яшаса, миллат барҳаёт”, деган пурмаъно ибора ҳам бежиз айтилмаган.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи, “Эл-юрт ҳурмати” ордени соҳиби, филология фанлари доктори, профессор Муслиҳиддин Муҳиддинов билан суҳбатимиз ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги аҳамияти, тил орқали миллий ўзгичлигини аниқлаш, миллат руҳини сақлаб қолиш, ёруғ ва ёрқин келажакимизни таъминлашдаги ўрни хусусида кечди.

— Шарқ ва ўзбек адабиёти тарихи бўйича етук мутахассис, адабиёт илмига катта ҳисса қўшиб келатган атоқли олимсиз. Миллат тақдирини, келажакни ҳақиқатда сўз юритилса, давлат тили мавзуси асосий масала бўлиб кўрилади. Соҳа фидойиси сифатида бу ҳақидаги фикрингиз билан ўртоқлашсангиз.

— Давлат тили миллатнинг умрбоқийлиги, жамият мафкураси, қадриятлар барқарорлиги асоси ва маънавий бойлигидир. Тил нафақат муомала воситаси, балки халқнинг маданияти, урф-одати, турмуш тарзи ҳамда тарихи экани, тилини асраш, ривожлантириш, давлат сиёсати даражасидаги муҳим масала эканини аниқлаб олиш унчалик қийин эмас. Ҳозир Ер юзюзида ўзбек тилида сўзлашувчилар сони қарийб 50 миллион кишини ташкил этиши ҳам она тилимизнинг дунёдаги йирик тиллардан бирига айланган бораётганидан далолат беради. Зеро, “Давлат тили ҳақида”ги қонун она тилимизнинг бор бўлишига ва жозибасини тўла намоян этиши билан бирга, илмий асосда ривожлантириш борасида ҳам кенг имконият яратди.

Хусайн Бойқаро таърифи билан айтганда, “Турк тилининг ўлган жасадига Масих анфоси бирла ҳулла ва ҳарир кийдирган” Алишер Навоий барҳаёт ананалар таъсирида касби камолга етган бўлса-да, туркий тилини қудрати ва ҳашамати билан қаддини ростлади. Шоир дунёни қалам билан забт этганини кўп такрорлаймиз, аммо Навоий Шарқ мумтоз аъёнларини айнан туркий тилдаги ижоди билан бойитди ва янгилади. Аниқки, бутун дунё ўзбек миллатининг даҳо шоирига, адабиётига маҳлиб бўлди.

Бугун ҳам давлат тили миллат тилига айланган учун ўзбек адабиётининг қалами ўткир бўлиши лозим. Адабиёт тилининг қуввати ва залварининг асосидир. Агар буюк адабиёт бўлмаса, давлат тили фақат иш юритиладиган тилга айланган қолади. Миллат кентини даражасидаги салоҳиятини белгилаши учун ўзбек тилида яратилган кучли ўзбек адабиёти керак.

Адабиётнинг идеали — комил инсон. Инсон камолоти эса унинг ўзликни ва ҳақиқатини аниқлаш маърифатини қалб фитратида кашф этиши билан боғлиқ бир туғандир. Инсоннинг ахлоқий фазилатлари ҳамisha Шарқ шоирлари диққат марказида бўлиб келган. Адабиёт сўзнинг “адаб” сўзидан пайдо бўлгани ҳам шунини кўрсатиб турибди. Мусулмон Шарқда етишган қайси шоир ижодини олиб қарамайлик, унда панд-насиҳат оҳангидagi асарларга дуч келамиз. Қадимги адибларимиз адабиётга тарбия воситаси сифатида қараган. Хоҳ соф лирик, хоҳ воқеа-ҳодисалар, афсона-саргузаштлардан иборат эпик асар бўлсин, уларда “маънавия”, яъни ўғит-насиҳат характеридаги қисмлар бўлган. Ҳазил мулкнинг султони Алишер Навоий “Бадое ул-бидоя” девонига ёзган сўзбошисида одатда ғазал ошиқона мавзуга бағишланиб, ошиқлик дардининг пўртаналари китобхонни ҳаяжонга солишига ишора қилади. Лекин ишқнинг муқаддаслигини аниқлашда, аввало, насиҳатомуз байтлар келтирилса, ўқувчи ишқ тўлиқини билан бирга муҳим тарбиявий ҳикматлардан баҳраманд бўлиши муҳимлигини эътироф этади. Шунинг учун шоир асарларини ҳамд ва наътдан бошлаб, ошиқона ғазалларга ҳам мавъиза, дидактик маъноли байтлар киритади.



— Демак, адабиёт инсонпарварликни аниқлаш, уни ўзбек тили ва адабиёти орқали таъбиқ этишдаги муҳим ижтимоий воқеадир... — Албатта, тил инсон қиёфаси ва ички гўзаллигини намоян этадиган гўзал восита. Одамнинг мартабаси, ақли, қобилияти, ҳиммати, ҳақиқати ўз тилини қанчалик эъзозлаши, асраб-авайлаши билан ҳам ўлчанади. Яхшиликнинг, одамийликнинг мезони бу халқ маънафати учун ишлаш, халқ гам-ташвиши билан яшаш, миллат гурури бўлган она тилини асрашдир.

Инсон аллақандай мавҳум тушунча эмас. У ўз касб-кори, жамиятдаги мавқеи билан конкрет шахсдир. Демак, инсоннинг ақли ва билими ўз манфаатларини халқ, жамият манфаати ва бахти йўлида сафарбар этишда кўрилади. Бу билан келажак бахти учун тамал тоши бўлиб хизмат қилади. Саъдийдан нақл қилинишича, барча инсон бир тананинг аъзолари, аммо бир-бирининг дарду ғамига бефарқлиги уларни одамгарчиликдан чиқаради.

Навоий назарида инсонни ҳайвондан ажратиб турган сифатлардан бири — унинг тафаккурига бўйсунган нутқи, тили. Аммо шoir сўзини кенг маънода олиб қараган: сўз — дунёни аниқлаш воситаси, ақлнинг иродаси, сўз — маънавий-бадний етуклик, фаросат, заковат белгиси. Инсон тили мўъжизалар яратишга қодир, у барча бунёдкорликлар, ижод ва истеъдод қалити.

— Биз ўзгичлигимиз, тилимиз буюклигини Навоий тимсолида тасаввур этамиз. Адиб ижодига сўз қудрати ҳақида мушоҳада юритганимиз ёки бу тасаввур унинг асарлари тимсолида гавдаланганими?

— Алишер Навоий фикрича, “Сўз гавҳарининг шарафини” баландлигига сабаб унинг бутун олам қудрати тарафиндан тухфа этилганлигидир. У “тўрт садаф гавҳарининг дуржи” — яъни тўрт унсур (сув, ҳаво, ўт, тупроқдан) ҳосил бўлган инсон зотининг бош хусусиятини белгилайди. Инсон — нутқи билан инсон. Нутқ уни барчадан афзал этади. Сўз, нутқ — руҳ, қолип ичидаги жон, ҳаёт, ҳаракат демак. Тил фақат мулоқот қуроли, инсонни мумтоз этган неъматгина эмас, балки инсон учун азоб-изтироб келтирадиган ҳамдир. Зеро, тил киши бошига кўп фалокат келтиради, “руҳни ҳалок этади”. Навоийнинг масаласига қанчалик чуқур қараганини ҳис этиш қийин эмас.

Ўзбек шоири фикрининг давом этириб ёздики, сўзнинг кучи бениҳоя улуг, “каломи фасиҳ” (гўзал сўз) ўлганини тирилтириши ҳам мумкин. Сўз маъсулияти қанчалик баланд эканини, одамлар тақдирини, кишиларнинг ҳаёти бир сўз билан ҳал этилиши — ё бахтга муяссар, ё абадулабад бадбахт бўлишини, сўз одамларни жонфидоликка, улуг мақсадлар сари курашга сафарбар этишини қайд этган. Шу билан бирга, Навоий сўзнинг эстетик таъсир кучини кўрсатишини унутмаган.

Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” дostonидаги тилга бағишланган бобларда асосан,

сўзнинг фалсафий-ижтимоий моҳияти, функциялари ва бадний адабиёт сифатидаги жозибаси, сўз санъатининг буюк таъсири, тарбиявий-маънавий аҳамияти кўрсатилган. Аммо ўзбек шоири бошқа жойда — ўнинчи мақолатда рост-гўйлик фазилати ва ёлгон гапиришнинг зарари ҳақида алоҳида тўхталган. Навоий ростгўйликка жуда катта эътибор берган. Бунга одамийликнинг муҳим белгиси сифатида қараган.

Сўз гуҳарига эрур анча шараф,
Ким бўла олмас анга гавҳар садаф.
Тўрт садаф гавҳарининг дуржи ул,
Етти фалак ахтарининг буржи ул.

Навоий сўзнинг фалсафий моҳиятига катта аҳамият бериб, олам бошида сўз туради, яъни аввал сўз бўлган, сўнг борлиқ вужудга келган, дейди. Шу боис, инсоннинг асосий сифати ҳам сўз — нутқдир. Инсон, аввало, сўзда яхши ёки ёмонлигини изҳор этади. Умун олганда, сўз — ахлоқий камолот воситаси. Шунинг учун уни шу йўлда сарфлаш лозим. Буюк шоирларнинг хулосаси шундай.

— Тилинг буюклигини мустаҳкамлайдиган адабиёт хусусидаги мулоҳазаларингиз билан ўртоқлашсангиз.

— Бадний сўзни нуктадан одамга айтса, дуруст. Ҳар кимса ҳам яхши сўз қадрига етмайди. Фаҳмига етиб, ундан лаззат топмайди. Нозик кўнглили, сўздаги маъноларни қилин қирқ ёртандай фарқлайдиган одамнинг суҳбати хузуур-ҳаловат бағишлайди. Суҳбатда ҳар гапни айтганда оқибат эмас, ундан кўра жим ўтириш афзал. Алдов, ёлгон каби ёмон ниятга сўзни сарфлаш гуноҳ. Ҳолбуки, бу одамлар орасида анча кенг тарқалган.

Алишер Навоий “Маҳбуб ул-қулуб” асарида устозлари — Атторм, Румий, Ҳофиз, Жомий, Хусрав ҳақида, уларнинг баланд қадрили шeryати ҳақида тўхтаб, кейин “адно табақаси” (паст табақадagi шоирларни тилга олади. Уларнинг на шоирлиги, на ошиқлиги таҳсинга лойиқлигини қайд этади. Навоий бундай “шоирталаб”, сўзи ёлгон, ўзи кибр-ҳаволи кишилардан безорлигини

қадри ҳақида мана шундай муҳим фикрларни олган сурган. Шоирлар яратган асарларнинг замонавийлиги, ғоялар, фикрлар, бадний-ҳиссий талқинлар долзарблиги, аинқаса, инсоннинг ахлоқига қарашларда, инсонни ижтимоий муҳит билан боғлаб тасвирлашда аниқроқ сезилади. Миллий адабиётимиз башарият устунларидан бўлган ўзбек миллиати тақдирини, қайғуси, камолоти йўлида хизмат қиладиган сўз ва нутқнинг ҳассос кашфиётчиси бўлиши лозим.

— Она тилимизни ва тил орқали миллий ўзгичлигимиз моҳиятини ёшлар онгига синдиришда, тилимизга гад теккизмаслик, софлигини бузмаслик ва асраб-авайлашда қандай усуллардан фойдаланиш ва нималар қилиш керак деб ҳисоблайсиз?

— Тил салтанатининг беназир султони Алишер Навоийнинг “Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин”, “Тилга эътиборсиз — алга ихтиёрсиз” каби ҳикматларида одам боласи учун тилга эҳтиромли муносабатнинг азалий ва абадий эҳтиёжи, инсоннинг бош белгиси тил экани, тил ва эл ҳурмати таносибининг таранглиги гўзал шамойилларда ифода топган. Умун, ҳар қандай тилга, хусусан, она тилига напосандлик ёки камситиш билан қараш инсон ва эл қадрига ҳурматсизлик, инсон ва халқ ҳаётига даҳл қилиш тарзида анлангани, кишилар кўнглини, юмшоқроқ таъбир билан айтганда, огритиши каби ҳолатларга, табиийки, биз яқин ўтмишда бунга гуноҳ бўлганми.

Бугунги ёшларга келсак, улар жуда зукко, салоҳиятли ва дунёни забт этишга қодир шижоати бор. Қўриб ҳавасинг келади. Давлатимиз келажак авлодга барча соҳада энг яхши, энг зўр, бекам шаронг яратиб бераётди. Ўқини, изланиши, ихтиролар қилиши учун имконият мўл. Шундай экан, бу ёшлар қарига бўлмасин, қайси давлатда ўқиб ёки фаолият юритмасин, ўз тилини унутмаслиги, сўзлашув маданиятига риоя этиши, она тилини асраб, ҳар жойда тарғиб қилиши лозим.

Президентимизнинг “Мамлакатимизда ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги ўрни ва

“Ҳайрат ул-аброр” дostonининг сўз маъносига бағишланган бобига ҳам қайд этган. “Турфа буюк, — деб ёзганда улуг шоир, — улар менинг ўзимнинг шeryрини рангу рўйини ўзгартириб, тўғрироғи, уни бузиб, яна олдимга олиб келадилар, “шery”нинг ҳолига йиғлагинг келади:

Зоҳир этиб йилгаудек ҳол анга,
Кийдурубон эски қаро шол анга.
Турфа буюк шery қўюб отини,
Еткурбон кўкка мувоҳолитини.”

Бундай “тақлидчилар”, “билдирмасдан” ўзиники қилиб олувчилар Навоий замонида ҳам кўп бўлган. Улар ҳозир ҳам бор. Ҳозир ҳам истеъдодли шоирларнинг ғоя ва иборалари, образларини ўзлаштиришчи ва Навоий айтганидек, уялмай эълон қилдирувчи, тагин таҳсин кутадиган, натижада шery ва шуу ҳароратига фалат ва совуққонлик билан хиёнат қиладиган шоирнамолар кам дейсизми?

Алишер Навоий мазкур муаммо атрофида фикр юритиб, адабиёт ҳақида, сўз санъати, сўз

аҳамиятини ошириш, уни замон талаблари асосида ривожлантириш масаласини биз миллий ўзгичлигимизни аниқлаш, миллат руҳини сақлаб қолиш, ёруғ келажакимизни таъминлашнинг энг муҳим мисоли, деб билимиз. Шу эзгу мақсад йўлидаги амалий ҳаракатларимиз тўғрисида жамиятимиз ҳаётида давлат тилининг қўлланиш доираси тобора кенгайиб, у халқ дилининг чинакам кўзгусига айланмоқда”, деган сўзлари тилимиз, миллатнинг фахри, гурури, кўзгуси эканини яна бир бор теран кўрсатиб беради.

Миллатларни ажратиб турувчи асосий белгилардан бири тилдир ва ҳар бир фуқаро ўз она тилини билиши, улуғлаши шарт. Зеро, миллатнинг ва миллий адабиётнинг мавжудлик шартини бўлган она тилимиз тақдирини учун қуйниш, унинг равнақи учун барча имкониятини сафарбар этиш нафақат ёшларнинг, балки барчамизнинг инсонийлик бурчимиз.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири Гулиҷехра ДУРДИЕВА суҳбатлашди.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

Бош муҳаррир: **Салим ДОНИЁРОВ**

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Колограк” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. Буюртма — 2252.

43368 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

“Колограк” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Ўзбекистон, 100060. Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй. Босмаҳона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Лутфулла Сувонов
Муасхих: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилими:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 23:50 Топшириқ — 00:01

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКҮР QR-KODNI СКАНЕР ҚИЛИНГ.

